

Ҳар етти кунда хатм қилган Қуръон ҳофизи



14:02 / 10.09.2021 2818

Умар Мухтор имом Муҳаммад Маҳдий Санусий раҳимаҳуллоҳни олдиға киришға изн сўради. Унга деди: «Саййидим, албатта дўстларимиздан кўпчилиги муайян дуо ва тазарруотлардан иборат вирдларни ўқиб юришади. Мен бўлсам, фақатгина намозлардан кейин махфий ўқиладиган вирдларнигина ўқийман. Шунга ижозат беришингизни сўрайман.

Имом Муҳаммад: «Эй Умар, сенинг вирдинг Қуръондир» дедилар. Сўнгра у зотни кўлини ўпиб, улкан ҳадея — Мусҳафи шарифни кўтариб чиқди. Ушбу ҳолат ҳақида шайхига ҳикоя қилиб дейди: «Аллоҳнинг фазли ила уни ҳифз қилиб, ёд олишда давом этдим. Саййидим совға қилган Мусҳафимдан асло ажралмадим. Уни ҳар етти кунда хатм қилиш учун кундалик қироатида давомий бўлдим.

Шайхимиз саййидим Аҳмад Рийфийдан эшитгандим: «Албатта баъзи кибор авлиёлар Қуръон қироатида Фотиҳадан бошлаб Моида сурасигача, кейин Юнус сурасигача, кейин давом этиб Исро сурасигача, ундан кейин Шуаро сурасигача, кейин эса Соффатгача, сўнгра Қоф сурасигача, ундан кейин эса охиригача ўқиш услубида ўқишда бардавом бўлишган экан. Мен ҳам мусҳафи шарифни ушбу услубда тиловат қилиб, хатм қиламан» деди.

Манба: arabic.uz